
Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда Фурқат тажрибаси | Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида 34 нафар ёшлар етакчиларга спорт анжомлари тарқатилди

Юртимизда ҳафтанинг пайшанба куни – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни деб белгиланган. Шу муносабат билан дастур доирасида Фурқат туманида мунтазам равишда тарғибот тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

Бугун Фурқат тумани касб-ҳунар мактабида бир қатор соҳа раҳбарлари, ёшлар етакчилари иштирокида ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шароитлари яратиш каби масалаларида очиқ мулоқот ўтказилди.

Очиқ мулоқотда сўзга чиққанлар, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг аксарияти, келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънан етук бўлиб камол топишлари учун барча шароитлар яратилиб берилаётганини, бунга жавобан эса уларнинг берилаётган шароитлардан оқилона фойдаланиши ва тўқис билим олишлари учун турли хил салбий иллатларга қарши иммунитетини мустаҳкамлаб, ўз мақсадлари йўлида бардавом кетишлари зарурлигини таъкидлаб ўтишди.

Самимий руҳда ўтган учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга масъуллардан жавоблар олишди. Савол-жавобларда фаол қатнашган ёшларга эсдалик совғалари ҳадя қилинди. Шунингдек ёшларга берилаётган имтиёз ва имкониятлар тўғрисида соҳа мутахассисларидан ҳуқуқий тушунча ва маълумотлар берилди.

Тадбир сўнгида маҳаллада ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, спортга бўлган қизиқишларни орттириш учун 34 нафар ёшлар етакчиларига спорт анжомлари тарқатилди.

Маълумот ўрнида: Бир муддат аввал ҳар бир маҳаллага стол теннис анжомлари [берилган](#) эди.

2022-08-11 18:41:45